

РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ШАРОИТИДА МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТ ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАРИНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ ВА УНИНГ ЎЗИГА ХОС ЖИҲАТЛАРИ

Абдусаттарова Ш.А.

Тошкент Молия Институту,
Бухгалтерия ҳисоби кафедраси,
катта ўқитувчиси.

Мамлакатимизда рақамли иқтисодиётни фаол ривожлантириш, барча тармоқлар ва соҳаларда, энг аввало, давлат бошқаруви, таълим, соғлиқни сақлаш ва қишлоқ хўжалигида замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Рақамли иқтисодиёт шароитида иқтисодий ислохотларни янада ривожланишида малакали бухгалтер, аудитор мутахассисларини тайёрлашга зарурат катта. Мамлакатимизда бухгалтерия ҳисоб тизимини такомиллаштириш, молиявий ҳисоботларни халқаро стандартлар асосида юритишни ташкил этиш борасида бир қатор ислохотлар амалга оширилмоқда. Бугунги кунда хўжалик юритувчи субъектларда бошқарув қарорлари самарадорлигини таъминлашда, уларнинг иқтисодиёти ривожидида молиявий ҳисоботларнинг ўзига хос ўрни бор. Шуни алоҳида қайд этишимиз жоизки, Муҳтарам Президентимиз Ш.М.Мирзиёев томонларидан қабул қилинган “Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2020 йил 24 февраль, ПҚ-4611-сон қарорларида ҳам ўз ифодасини топган. Мазкур қарорда қайд этиладики, ...”акциядорлик жамиятлари, тижорат банклари, суғурта ташкилотлари ва йирик солиқ тўловчилар тоифасига киритилган юридик шахслар 2021 йил 1 январдан бошлаб, МҲХС асосида бухгалтерия ҳисоби юритилишини ташкил этади ва 2021 йил якунларидан бошлаб молиявий ҳисоботни МҲХС асосида тайёрлайди”¹ МҲХС 1-сонли “Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларини биринчи марта қўллаш” стандартига мувофиқ, бухгалтерия ҳисоби маълумотларининг хусусиятлари қуйидагилардан иборат: “Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари”– молиявий ҳисоботни тақдим этиш, захиралар, суғурта шартномалари, пул маблағларини силжиши, ҳисоб сиёсати, ҳисоб баҳоларини ўзгартириш ва хатолар, мувозанат тузилгандан кейинги ходисалар, қурилиш шартномалари, фойда солиғи, сегмент ҳисобот, асосий воситалар, ижара, ишчиларга ҳақлар, давлат субсидияларининг ҳисоби ва давлат ёрдами ҳақида маълумот, валюта курси ўзгаришининг таъсири, бизнесни бирлаштириш, қарзлар бўйича харажатлар, нафақа таъминоти дастурлари бўйича ҳисоб ва ҳисобот, боғлиқ томонлар ҳақида маълумотларни ёритиш, жамлама ва алоҳида молиявий ҳисоботни тузиш, ассоциацияланган корхоналарга инвестициялар, қўшма фаолиятда иштирок этиш, молиявий инструментлар, бир акцияга тўғри келувчи фойда, оралиқ молиявий ҳисобот, сотишга мўлжалланган узоқ муддатли активлар, активларни қадрсизланиши, баҳоланган мажбуриятлар, шартли мажбурият ва активлар, номоддий активлар, инвестициявий кўчмас мулк кабиларни ўз ичига олади ҳамда шу асосида молиявий ҳисоботларни тайёрлаш зарурат айланмоқда. Хўжалик юритувчи субъектлар, ташкилотлар умуман олганда ҳисоб тизимида молиявий ҳисоботларни халқаро тизимида юритилишининг ўрни беқиёсдир. Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари (МҲХС)нинг татбиқ этилиши ҳисобнинг ягона усулларини қўллаш

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори. “Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида. ПҚ-4611-сон, 24.02.2020 //lex.uz/search/searchtitle

орқали хўжалик юритувчи субъектлар бошқарув тизимини такомиллаштириш, ички ва ташқи ахборотдан фойдаланувчиларга корхонанинг молиявий ҳолати тўғрисида маълумот бериш ва компаниянинг рақобатбардошлигини ошириш имконини беради.

Молиявий Ҳисоботлар Халқаро Стандартлари бутун жаҳонда янада кенгрок фойдаланилмоқда ва тан олинмоқда. Ҳатто, баъзи мамлакатлар Молиявий Ҳисоботлар Халқаро Стандартлар (МҲХС)ни ўз стандартларидек ўзгаришларсиз ишлатишмоқда, баъзилари эса мамлакат хусусиятидан келиб чиқиб баъзи ўзгаришларни киритмоқдалар. Д.В.Чайковский таъкидлашича, миллий ҳисоб, таҳлил тизимининг ривожланиш тенденциялари бутун дунё интеграция жараёнларига эътиборини қаратиб, интеграциялашув жараёнида халқаро бизнесни амалга оширишда ҳисоб тизимига қуйидаги омиллар таъсир этади: -иктисодий ривожланишнинг миллий жараёни, мамлакатнинг жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашуви (хусусан молиявий натижалар аудиторлик текшируви хулосасидан манфаатдор бўлган молиявий ҳисобот фойдаланувчилари инвесторларнинг роли ортиб бориши) -молиявий ҳисоботлар ва аудиторлик текшируви қиймати ва сифатини ошириш (ишончли ва сифатли ҳисоботларни амалга оширилишини йўлга қўйиш) -иктисодиётнинг глобаллашуви, дунёнинг кўплаб мамлакатлар билан трансмиллий компанияларни яратилишидир.

Таъкидлаш жоизки, халқаро молиявий ҳисоб тамойиллари асосида шаклланган замонавий ҳисоб тизими хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини бошқаришда бозор иқтисодиёти талабларига мос ҳолда юритиш имконини беради. Молиявий ҳисобот халқаро стандартлари молиявий ҳисоботни бутун дунё бўйлаб изчил, ошқора ва таққосланадиган бўлиши мумкин бўлган умумий қоидаларни белгилайди МҲХСни татбиқ этиш бўйича Европа давлатларининг тажрибасини ўрганиш ва ушбу жараёндаги муаммоларга тизимли ёндашиш, мамлакатимизда фаолият юритувчи хўжалик юритувчи субъектларда МҲХСга мувофиқ бухгалтерия ҳисобини юритиш ва молиявий ҳисобот тузиш жараёнига ўтиш даврида муҳим масалалардан ҳисобланади. Шу жиҳатдан келиб чиқиб, молиявий ҳисобот халқаро стандартларига ўтиш жараёнида хўжалик юритувчи субъектлар олдида қўйиладиган асосий вазифалар сифатида қуйидаги йўналишларни белгилаб олдик: -молиявий ҳисобот ахборотларидан фойдаланувчиларига авваломбор инвесторларга шаффоф маълумот берадиган бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисобот стандартлари тизимини шакллантириш; -хўжалик юритувчи субъектларда ҳисоб тизимини юритишда халқаро ҳисоб тизимининг асосий тенденциялари билан боғлиқлигини таъминлаш; -халқаро бухгалтерия ҳисоби моделларини самарали жиҳатларини қўллаган ҳолда услубий тартибларини ишлаб чиқиш. Молиявий ҳисобот халқаро стандартлари асосида ҳисоботларни тузиш жараёнларининг бир қанча босқичлари бўлиб биз уларни қуйидаги гуруҳларга ажратиш чикдик. Юқорида кўриб турганимиздек ҳар битта жараён ўзига хос хусусиятга эга. Шу ўринда трансформация жараёнига тўхталсак. Бугунги кунда молиявий ҳисобот трансформацияси масаласи кун тартибида турган долзарб мавзу ҳисобланади.

Трансформация (лат. Transformatio – ўзгартириш, қайта ташкил этиш)

1) структура, шакл ва услубларини қайта ташкил этиш, фаолиятнинг мақсадли йўналишини ўзгартириш;

2) айлантиришнинг битта усулларида бири, халқаро ҳуқуқ нормаларини ички давлат ҳуқуқи нормаларига қайта ташкил қилиш маъноларини англатади.

Трансформация турли кўринишлари мавжуд бўлиб, улар қуйидагилардир:

Технологик трансформация – маҳаллий хом ашёдан ярим тайёр маҳсулотларни ишлаб чиқаришнинг янги қувватлари негизида хом ашёдан тайёрланган тайёр маҳсулотгача бўлган кўп поғонали қўшилган қиймат занжирларини яратиш.

Хўжалик муносабатлари тизимини трансформация қилиш – давлат томонидан аралашувга чек қўйиш ва эскича режа–тақсимлаш тизимидан батамом воз кечиш.

Мулкий муносабатлар тизимини трансформация қилиш – янги ишлаб чиқариш қувватларини яратишга хусусий капитални жалб қилиш орқали кимё корхоналарида давлат улушини кескин камайтириш ва кимё корхоналарини хусусийлаштириш.

Рақамли трансформация – молиявий, моддий ва кадрларга оид ресурслар ҳаракатини бошқариш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни маркировкалаш, молиявий ҳисоботларнинг халқаро стандартлари асосида бухгалтерия ҳисобини юритиш тизимларини жорий этиш учун соҳага замонавий дастурий таъминот тизимларини татбиқ этиш.

Илм–фан ва ишлаб чиқариш ўртасидаги муносабатлар трансформацияси – инновация жараёнларини ташкил этиш, замонавий технологияларни трансфер қилиш бўйича илғор хорижий тажрибалар асосида фан ва ишлаб чиқариш ўртасидаги ўзаро ҳамкорликнинг янги тизимини йўлга қўйиш.

Кадрлар тайёрлаш тизимининг трансформацияси – кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини тубдан такомиллаштириш, шунингдек мавжуд ва янги барпо этиладиган ишлаб чиқариш қувватларини юқори малакали маҳаллий ва хорижий мутахассислар билан таъминлаш.

Сотиш жараёнларини молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари бўйича трансформацияси жараёнининг муҳим қоидалари ишлаб чиқилиб, уларнинг асосийлари қуйидагилардан иборатдир:

– трансформация мураккаб жараён бўлиб, профессионал ёндашувни талаб қилади; – ҳисоб юритиш мустақил ҳал қилинади, унинг зарурлигини ва унга ўтишни ҳисоб сиёсатида мустақил белгилайди;

– ҳисоб ва ҳисобот юритишда иқтисодий мазмуннинг шаклдан устунлиги амал қилади; – адолатлилик принципига асосланади;

– ягона алгоритми ва кетма–кетлиги йўқ;

– ҳар бир ҳолатда трансформация жараёнига индивидуал ёндашилади; – трансформациянинг методикаси ва босқичлари мустақил белгиланади. *Молиявий ҳисобот трансформацияси* – бу ҳисобот санаси ҳолати бўйича бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари асосида тузилган ҳисобот компонентлари моддаларини молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари қоидаларига мувофиқ ҳолда қайта гуруҳлаштириш, уларнинг моддаларини қайта тан олиш, қайта баҳолаш, тўғрилашлар киритиш ва қайта очиқлашлар асосида МҲХСлари ҳисоботлари ахборотларининг янги тизимига ағдариш ва қайта ташкил қилиш жараёнидир.

Айтиш жоизки, давлатимиз раҳбарининг юқорида номи келтирилган қарори Янги Ўзбекистонда молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларини жорий қилиш ҳамда бухгалтерия соҳасидаги ислохотларнинг янги босқичини бошлаб берди. Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш, корхона ва ташкилотларнинг иқтисодий, мулкий ва молиявий ҳолатини, уларнинг ўтган даврлардаги молиявий натижаларини қиёсий ўрганиш орқали объектив баҳолаш орқали келгусидаги фаолиятни кенгайтириш, ташқи молиявий манбааларни излаб топиш, халқаро молиявий ташкилотлардан капитал жалб қилиш ҳамда хўжалик юритувчи субъектларда бошқарув қарорлари самарадорлигини янада ошириш имконини беради. Фикримизча, молиявий ҳисобот трансформацияси миллий ҳисоб тизими қоидаларига кўра тузилган ҳисобот ахборотларини ҳисобот моддаларига тўғрилашлар киритиш йўли билан МҲХСларига мувофиқ молиявий ҳисоботларни тузиш жараёнидир. Хулоса сифатида таъкидлаш лозимки, молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш, хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий ҳолатини таҳлил қилиш, уларнинг ўтган

даврлардаги молиявий натижаларини қиёсий ўрганиш ва объектив баҳолаш орқали келгусидаги фаолиятни кенгайтириш, ташқи молиявий манбаларни излаб топиш орқали чет эл инвестицияларини жалб қилиш имконини беради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори. “Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш бўйича қўшимча чора–тадбирлар тўғрисида. ПҚ–4611–сон, 24.02.2020 //lex.uz/search/searchtitle
2. Шешукова Т.Г., Воробьёва О.А. Методологические аспекты составления и трансформации финансовой отчетности по МСФО//журнал “Международный бухгалтерский учет”. № 1(109), 2002.
3. Шешукова Т. Г., Рыбалко О. А. Развитие учета и внутреннего контроля внешнеторговой деятельности предприятия в условиях конвергенции Российских стандартов к МСФО Монография Пермь 2014г 52 стр 137 <https://www.investopedia.com/terms/i/ifrs.asp>
4. Ташназаров С.Н. Молиявий ҳисоботнинг МҲҲС бўйича трансформацияси зарурати, моҳияти ва боқичлари//“Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. № 3, 2017 йил.
5. А.Б. Багопольский Практика трансформации отчетности в формат МСФО. Корпоративная финансовая отчетность. международные стандарты. Журнал и практические разработки по мсфо и управленческому учету. <https://finotchet.ru/print/articles/491/>
6. www.i-ias.ru/blog/competition_page/transformacia_msfo.html. Трансформация бухгалтерской отчетности по МСФО.

